

تائنگ يولдузи

УЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА  
УСМИРЛАРИНИНГ  
ГАЗЕТАСИ.

# Тонг Юлдузи

№ 28

(6500).

1992 ЙИЛ

З ИЮНЬ


ЧОРШАНВА

Баҳоси:

30 тийин.

Газета 1929 йил, 1 августан «Ленин учқуни»  
номи билан чиқа бошлаган.

**Y**ОЛІККА қайтиш  
нимадан бошланади? Болаларга чина-  
кам эътибор бериш, улар онги-шуурига мур-  
ғаклидан боболаримиз  
муқаддас билган урф-  
одатларни сингди-  
ришдан эмасми?! Бу түйру-  
лар дилида эрта куртакла-  
ган бола келажакда шу халқ-  
нинг муносиб фарзанди бў-  
либ майдонга чиқади. Эл орзу қилган ўғил-қиз бў-  
либ етишиди. Болажон халқимизда ҳам ёшларни шундай  
руҳда тарбияловчи тад-  
бир ва одатлари кам бўлма-  
ган. Бироқ кейинги 70 йи-  
дан ортиқ қиёфасизлик ре-  
жими миллий ва диний қад-  
риятларимиз илдизига болта-  
уреб, уларни каллакланиб  
турувчи тутлар ҳолатига со-  
либ келди. Хайрятки, яна  
ўзлигимизни намоён қиласди-  
ган кунларга етиб келдик.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни жумҳурият  
ўқунчилар Саройидаги Ўрта Осиё ва Қозогистон жумҳу-  
риятлари аро «Ўрта Осиё ҳалқаси» мавzuидаги болалар  
амалий-декоратив кўргазмаси бўлиб ўтди. Бунда Узбекистон, Қозогистон, Тажикистон, Қирғизистон, Туркма-  
нистон болалари ўзлари ясапиган турли хил амалий санъ-  
ат намуналари билан қатнапшиди.

Халқ ҳунармандчилиги замон замон борада билан бир оз  
эътибордан қолиши мумкин — дейди Узбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмаси раиси М. А. Раҳимбердиева.  
— Лекин у бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Гал мамилакатимиздаги ўзгаришларга тегишши. Чунки ҳар қан-  
дай ҳунарнинг қайта, агар жоиз бўлса, тўлароқ мазмун  
касб этиб юзага келиши заруратидир. Аслида халқ ҳунар-  
мандчилиги тўхтаб ҳам қолгани йўқ, балки халқ ҳаётига  
чукуроқ кириб борди.

Кўргазма залларida ўзбекистонлик ёш ҳайкалтарош-  
ларнинг ажойиб ҳайкалларини, қозогистонлик ўқувчи қиз-  
ларнинг гиламчаларини, токикистонлик болаларнинг  
нақшинкор кутичаларини кўриб, юқоридаги фикрларга  
тўла қўшиласиз ва «Ёр юзининг бирор қисмида бунақа  
нағис, гўзал буюмларни ясашга қодир халқ топилмаиди»  
деб хаёл қиласиз. Илло, шундайдир.

Кўргазма залларидан олинган фотопортаж билан  
рўзномамизнинг кейинги сопида танишасиз.

Ш. СУННАТОВ.



## Суннат тўйингиз муборак!

29-болалар уйларининг тар-  
бияланувчилари ва яна бир  
қанча пойтахт боғча болала-  
ри — иззат-хурматда, кат-  
талар — хизматда бўлишди.  
«Булбулча» болалар даста-  
сининг сўлим куй-қўшиқлари  
даврага қувончу шодлик  
олиб кирди. Тўйбоши Эркин  
Маликовнинг юрак сўзлари.  
Мавроунаҳр мусулмонла-  
ри идораси ўқув ишлари ваз-  
ири Муҳаммад Латиф Жу-  
маннинг бу савобли тад-  
бир — тўй болаларнинг ик-  
ки дунёсини обод қиласди,  
деган лутфи, овознигор фаҳ-  
риси Неъмат бобо Дўстхў-  
жаевнинг дуолари, шоир Барот  
Исройлнинг шеърий ти-  
лаги ва тақдим этган китоб-  
чалари, «Халқ сўзи» рўз-  
номаси ходими, шоира Муҳ-  
тарама Улуғ қизи, «Машъ-  
ал» эшиттиришлар мұҳар-  
рияти бош мұҳаррири  
Шавкат Амиров ва бошқа-  
ларнинг бу болалар келажа-  
гига билдирилган самимий ис-  
таклари ёш кўнгилларда бир  
ажойиб, унуттилмас таассу-  
рот қолдириди.

Айниқса, тўй мазкур болалар уйлари тарбияланув-  
чилари Шуҳрат Мўминов, Санжар Фозилжонов, Ҳусан  
Усмонов ҳаётидаги янги са-  
ҳифа очди. Бошлари силан-  
ган бу етимлар шу куни мусу-  
лмончиллик удумича хатна  
қилиниб, «қўли ҳалоллан-  
ди». Уларга эътибор шу би-  
лан тугамади, балки бош-  
ланди. Санжарни «Халқ сўзи», Шуҳратни «Тонг юлдузи» рўзномалари, Ҳусанин эса «Машъал» мұҳаррияти ўз болалари қилиб олиши-  
ди. Бундан кейин бу жамоа-  
лар, ҳамиша болалар ҳоли-  
дан хабар олиб, уларга маъ-  
навий ва маддий ёрдам бе-  
риб туришади. Тўйда болалар учун очилган ҳисоб даф-  
тарчалари уларга топширил-  
ди.

Бу тантаналарни уларнинг  
ўз ота-оналари кўришиса  
эди...

В. БАРНОЕВ.

СУРАТЛАРДА: тўйдан  
лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.



## Қойил, имтиҳон ҳам топширишади!

Мактабимизда ўқув йи-  
лининг бошида учта 5-  
синиф ўқувчиларининг 20  
нафари иқтидорли синфга  
ўтказилган эди. Ўқув йи-  
лининг якунига кўра,  
улардан 16 нафари барча  
фанларни аълого ўзлаш-  
тириб, имтиҳонлардан  
озод бўлишди. Бироқ ку-  
тилмаганда аълочимиз

Мавлуда Отажонова:

— Мен билимимни қай-

та синаб, мустаҳкамлаб  
олиши учун имтиҳонга кир-  
моқчиман, — деди. Қол-  
ганлар ҳам унинг такли-  
фига қўшилишди.

«Имтиҳонларни қан-  
дай топширсан экан?» —  
деб юрганлар эса уларга  
қойил қолишиди.

Марғуба АБДУЛЛАЕВА,  
Чуст туманиндан 14-мак-  
таб ўқувчisi.



## ҚИСКА САТРЛАРДА

• Қозогистоннинг пойтах-  
ти Олма-Ота шаҳрида якни-  
да ўсмилар партияси тузи-  
лади. Болалар меҳнат бир-  
жалаарини ташкил қилиш,  
мактаб ўқувчиларига пул  
ишлаб топишлари учун им-  
кониятлар яратиши, кам таъ-  
минланган оиласалар фарзанд-  
ларига ёрдам бериш каби  
вазифаларни ўз олдига ма-  
сад қилиб юйган партия ҳо-  
зирда ўз таъсис съездини  
ўтказиш учун ҳозирлик кўр-  
моқда.

• Свердлов вилоятининг  
Первоуралск шаҳридан ион  
дўқонларидан бирига тунда  
номаълум шахслар ўғирлик-  
ка киришиди. Ажабланарни  
ери шундаки, улар талайти-  
на микдорда пул сақланаёт-  
ган сейға тегишимаган. Бор-  
иўғи бир неча торт, пе-  
ченье, ширин кулчалар ва  
нон ўмарашган, холос.

Қандолат маҳсулотлари  
нархи кескин ошиб кетган  
хозирги шаронтда донаси 50  
сўм, ҳатто 70 сўмгача бўл-  
ган тортларни сотиб олиш  
уларнинг ҳамёнларига тўғри  
келиши!

• Челябинск вилоятининг  
Минъяр шаҳри касалхонаси-  
да 4 ёшли гўдак оламдан  
утди.

Уйда ёлғиз қолган болакай  
қорни очиб, ионга шакар се-  
пип еган. Буни пайқаб қол-  
ган онаси билан бирга яшов-  
чи Рижков фамилияли кимса  
болани аёвсиз қалтаклаган.  
Натижада мурғак болакай  
дунёдан барвақт кўз юмган.

## ТАҚДИР СУҚМОҚЛАРИДА

...Киши кунларининг бирни. Тонг чоги. Тунда яхши ёнмай, пеика ўчиб қолган. Хона музлаб ётарди. Киши бўйи тозаланмаган карнаклар қурумга тўлган, оловнинг бир меъёра ёниши учун йўл берекилиб қолаётган. У истамайгина уларни бузуб тозалади. Чунки печкани созлаш учун эрекак қўли керак. Бир гал бузуб безиллаб қолганди. Бу сафаргиси ундан ҳам ошиб тушди. Сал созлагандай бўлиб печкани ёди. Бироқ кар-

дан бир чимдими, қаричимизга сиққани. Бу кулфатлар қачон тугайди билмадик. Бир озгира билгиларимиз бу баҳтсизлик ҳалиси бўлмиш Турниёз Болтаев ҳақида:

Унинг отаси Тошниёз Болтаевнинг айтишича, Турниёз ҳеч гуноҳи бўлмай, бирорларнинг касрига қолиб, қамалиб кетибида. Яъни 1990 йил баҳор кунларининг бирда Зиши бўлиб қўшни Кўйшибов жамоа хўжалигидаги асалчи чолникига ўғир-

# БОШСИЗЛИК

наклар тушиб кетиб, иш батар қийинлашиди. Минг уринса-да, азоб ва дуддан қизарган кўзлари жиққа ёшга тўлган аёл қўллари қалтираб, нима иш қилишини билмади. Шу орада уйни ишғол қилган қора тутиудан қўзлари ачишиб, тўнғичи уйғонди. Хона ҳам ярим кўмирхона ҳолатига келди. Она-бала пекча овораси бўлиб қанча вақт ўтганини билмай қолиши... Наримхол Болтаева З кичкитойини етаклаб борчага келганида, мудира ҳам анчадан бўён уни кутиб ўтирган экан. Кечикканига роса танбех берди. Унинг талаблари ўринли, борчага болалари вақтида овқатланиши учун қуйинади. Бечора она мудирага ҳеч нима деб ўтирамади. Кўзлари жиққа ёшга тўлиб ишга уриниб кетди.

...Бу — бошсиз оиласнинг бошига тушган кулфатлари-

ликка тушишган. Шериклари у-бу нарсага тегинган бўлса тегингандир. Лекин Турниёз бирор нарсага қиё ҳам боқмаган...

«Омад»лари юришмай қўлга олингандар. Унинг «тиконни билмай боссан» лигига ишониш қийин. У олдин ҳам бир жиноят тўловига 9 йил озодликдан маҳрум этилган. Озодлик кадрига етубчи инсон учун ўша йўқотишнинг ўзи ҳам бир умрга еткулик сабоқ бўлмаган. Бунга кейинги тўққиз ийлини қўшса, 18 йиллик умрининг барбоди дилни ўртади. Бу бўшлиқни нима тўлдиради. Ким қайтаради?

9 йилга бахти юлинган аёлнинг изтироблари бир хирмон. У эрининг гуноҳини кечиришларини сўраб чоратрофга югурди. Туман раҳбарларидан тортиб Республика президентигача хат ёзи. Хатирчига, Самарқанд ва

Эҳтимол, инсонпарварлик қилиниб, Т. Болтаев (у Узбекистон Жиноят кодексининг 127-моддаси 2-банди билан айланниб, озодликдан маҳрум қилинган) га енгиллик берилар?.. Ўйлаймизки, бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари ўз фикрларини билдиришади.

**В. ФАИЗУЛЛАЕВ,**  
Хатирчи тумани, «Зарафшон» давлат ҳўжалиги.

## ШЕЪРИЯТ ВА ГУЛ САЙЛИ

Бундай бўлади деб сира кутмагандик. Бир зумда гулларга кўмилб кетдик. Севимли шоирлар Ойдин Ҳожиева ва Қутби Носированинг худди ўз болалари олдига шошабтганлари, интиқ бўлгандарича бор экан.

Шу куни пойтахтнинг Қиброй туманидаги 25-мактабда болалар ардоқлаб, шеърларини ўқиёдиган шоира Ойдин Ҳожиева таваллудининг 50 йиллигига бағишиланган учрашув бўлиши керак эди. Учрашув деб аташ озлиқ қилди бу кечани — у гуллар ва шеърият байрамига айланниб кетди.

Яқин-яқингача ҳоким бўлган мудроқ тузумнинг мудроқ боловларидан ном-нишон йўқ. Ойдин опани савелларга кўмид ташладилар, баҳслашдилар.

Кечани мактабнинг адабиёт ва шеърият билимдони, устоз муаллим Анваржон Маҳаматов олиб борди. Умиди Бўриева, Ҳилола Иноято娃, Дилфуз Умархўжаева, Камола Зуфарова каби ўқувчилар Ойдин опа шеърларини ҳаяжон билан ўқидилар. Мактаб қошида ташкил этилган мақомчилар ва дуторчи қизлар дастасининг бир-биридан чиройли, мазмунли кўй-кўшилар кечага файз қўши.

Шундан сўнг мактаб директори Шукрулло Фаниев мактаб янгилкларидан — билимго қошида қишлоқ ҳўжалиги олийгоҳи билан ҳамкорликдаги лицей очилгани ва бу ерда 25 нафар ўқувчи иқтисод ва ҳосилотни куллиётida ўқиётганини, ўқитувчилар жамоаси эса шу мактабни битириб кетган собиқ ўқувчилардан иборат эканлигини қувонч билан сўзлаб берди.

— Биз бир нарсагагина эришолмай турибмиз, — деди математика ўқитувчиси Озода опа Шукурова.

— Биламан, боя келаётганимиздаёқ болалар айтиб бўлишган, — деди шодлануб Ойдин опа. — Мактабингизни буюк бобокалонимиз саркарда Амир Темур номи билан атасни истаган экансизлар. Менинг ҳам истагим ана шу орзунгиз тезроқ амалга ошсин.

Нодира АБДУЛЛАЕВА.

## ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС

Қўргонтош. Қорақоя қишлоғидаги баланд тоғ шундай номланади. Қуёшнинг заррин нурларидан қоялардаги тошлар кўзга ғалати кўринади. Галатилиги шундаки, тошларга илгариги замонларда, қанча-қанча асрлар олдин турли хил ҳайвонлар ва тоғ лолалари тасвирлари ўйлиб, тагига араб имлосида сўзлар битилган.

Нега одамлар бу тасвирларни тошларга, харсангларга ўйб кетишган экана?

Улар мозийдан сўзлайдилар: Бир вақтлар бу ерлар қушларга тўла оромгоҳ бўлган. Қакликларнинг тўлиб-тошиб сайрашига ҳамоҳанг бўлиб тонг отган. Ҳовузларга ўрдаклар қўниб, дарахт шохларидан турли хил қушлар чуғулашган.

Дарахт шохларининг қалинлигидан қуёш нури ерга тушмаган.

Энди-чи?...  
Ҳали ҳам кеч эмас, табнатни асройлик.  
Одамлар, ҳушёр бўлинг, табнатсиз ҳаёт зулматdir.

Фарҳиддин МАҲМУДОВ,  
Самарқанд вилояти, Иштиҳон туманидаги 71-мактаб  
ўқувчиси.



## «ҚАЛДИРГОЧ» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Туманимиздаги «Қалдирғоч», «Турон» номи билан аталувчи уюшмалар олиб бораётган ишлардан кўпчилик мамнун. Улар ёлғиз кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, афон фожеаларида ҳалок бўлганлар оиласидан келган ёрдамни аяшмаяпти. Ота ёки онасиз болаларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишяпти. Уларнинг ёз ойларида дам олишларини ташкил этишга бош-қош бўлишмоқда. Бу ишларда болаларга туманимиз раҳбарлари, халқ таълими бўлими ходимлари яқиндан кўмак беришяпти.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» болалар ва ўсмирлар уюшмаси аъзолари яқинда яна бир янги ташаббус билан чиқишиди. Улар ўзларининг ягона ва севимли нашрлари «Тонг юлдузи» газетасига ёрдам беришга қарор қилишди. Бу ташаббусга уюшма аъзоларининг барчаси қўшилиб, ўзлари йиган 300 сўм пулни «Тонг юлдузи»нинг ёрдам фондига ўтказишиди. Оз бўлса-да мадад, деганларидек болаларнинг бу саҳоватига бошқаларнинг ҳам бош қўшишларини сўраймиз.

А. БОЙТУРАЕВ, З. КАРИМОВА,  
Бекобод туманидаги Болалар уйи ходимлари.

## ҚЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Афсуслар бўлсинким, йил ўтган сайнин болалар орасида касалланиш тобора кучайб бормоқда. Ногирон бўлиб туғилганлар кўрсаткичи ҳам ошиб боряпти. Биргина Арнасий туманининг ўзида ана шундай болаларнинг 80 нафари бор. Туман раҳбарлари бу кичкин-тойларнинг қўнгилларини шод этиш учун қўлларидан келган яшилларини аяшмалти.

Яқинда эса Арнасий ёшлар иттифоқи қўмитаси ногирон болалар учун яна бир байрам ташкил этишиди. Улар болалар ўтасида иқтидорлилар конкурсни ўтказишиди. Конкурс шартлари расм чизиш, қўшиқ айтиш, шеър ёзиш, бичиш-тишиш борасида кимнинг энг қобилиятли эканлигини аниқлашади иборат эди. Барча болалар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишиди. Ташаббускорлар ва конкурс хомийлари — туман Хотин-қизлар Қўмитаси, туман халқ таълими Бошқармаси, туман санитария-эпидемиология станицаси бу тадбирнинг қўнгилларидек ўтиши учун бор куучларини аяшмади.

Конкурс якунланди. Яхши ишлар баҳоланди. Голибликни эса тикиш борасидаги ўз маҳоратини намойиш этиб, Айнур Асанова қўлга киритди. Рустам Болибеков ёзган шеър ва унга ўзи басталаган куй ҳаммани ўзига ром этиди. Шу сабаб у 2-уринни эгаллади. Йигилганлар орасида Феруза Йўлдошевадек яхши расм чизидиган топилмади ва Феруза 3-уринни эгаллади. Голибларнинг ҳар бирга хомийлар 1000 сўмдан пул мукофоти топширилар. Мукофотлар фақат голибларгагина насиб этади. Конкурсда яхши иштирок этган ҳамма болалар совға олиди. Уларнинг қўнгилларик қувончга тўлди.



## ИЎҒ-Э?

Пермъ шаҳридаги 404-болалар боғчаси тарбияланувчиси, 6 ёшли Вания Мосиянининг математикадан фикрларини донраси умумий таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси қобилиятини билан баробар экан. Шаҳар халқ таълими бўлимидан келган нуфузли текширув хайъати аъзолари шундай фикрга келишиди. Чунки, жажжи Ваниянинг учхонали сонлар квадратини бир зумда ҳеч бир қийинчиликсиз топа билиши, иккى хонали сонларни дилда кўпайтира олишини кўрган киши унинг истеъодидига тан бермасдан иложи йўқ.

СУРАТДА: «Қийинроқ масала экан» — деди Вания.

СИТА СУРАТИ.

— Тохир ака, сиз ўзингизда экстрасенслик қобилияти борлигини қаочон сезгансиз?

— 1984 йилда бирданига қаттиқ касал бўлуб қолдим. Врачлар текшириб, турили хил ташҳис қўйишиди. Бир куни рентгенга тушгандим, рентген ишламай қолди. Шундан кейин ўзимда биоэнергия борлигини, бўлганда ҳам меъеридан ортиқ эканлигини пайқадим.

— Фаолиятингизни дарров бошлиб юбордингизми?

— Йўқ. Менда биоэнергия борлигига дастлаб ишониш мади. Қайта-қайта текшириб қўришиди. Узоқ текширувудан кейин охири тан олишиди. Таникли олимлар кўз ўнгидаги ҳарбий кемалардан биринча турганча НУЖ (номаълум учар жисмлар)ни қақириб мулоқотда бўлдим. Олимлар хайратда қолишиди. Шундан кейин Иттифоқ тарқалиб кетгунга қадар ССРР экстрасенслар уюшмасига президентлик қўлдим.

— Авлонингизда ҳам хислатли қишилар бўлганми?

— Узоққа бормай қўя қолай. Ҳасан акамни Самарқанд вилоятида жуда яхши билинади. Чунки у яхши табиб, башоратчи сифатида ном қозонган. Шу сабабданни кўпчилик уни «Ҳасан фолбин» дейишади. Бундан ўн йил олдин акам «дипломи йўқ бўлса ҳам одамларни даволаяти, фирибгарлик қилиши» деган қуруқ тухмат билан қамалиб кетди. Келинайимиз уч йилгача бешта бола билан анча қийналди. Бу кулфатдан, айниқса, 90 ёшли онамиз кўп азиат чекли, қайғудан адойи тамом бўллилар. Мен у кишининг заъфарон юзларига қараб эзилиб кетардим. Ӯшанда онамга инсонда гайри-табии хислат борлигини илмий равишда асослаб бераман, деб сўз бердим. Тинмай ўргандим, изландим, елдим-югурдим. Мана кўрятисиз, натижалар чакки эмас.

— Экстрасенслик қобилиятини қандай пайқаш мумкин деб ўйлайсиз?

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ ҚўМИТАСИНГ РАИСИ, ЭКСТРАСЕНС ТОХИР СОЛИЕВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Бу нарса ҳар кимда ҳар хил кечади. Бунга мисол тариқасида бир воқеани сўзлаб бера қолай. Бир куни олдимга кекса аёлни олиб келишиди. У мени кўриши билан даг-даг титрай бошлиди. Унга тезда биоэнергия юбордим, яъни даволадим. Бемор ярим соатлар чамаси вақт ўтгандан кейин ўзига келди. Танишдик. Беморнинг исм-шарифи Зайнаб опа Худойбердиева бўлиб, врачлар унинг касаллигига «рак» деб ташҳис қўйишибди. Она йигирма йилдан бўён қалтироқ тутишидан азоб чекар, тез-тез ҳушидан кетиб турар экан. Мен «Сизда ўч қандай касаллик йўқ. Фақат меъёри бузмаслик лозим. Хислатли болалар учун қўмитамиз эшиги доим очиқ. Унинг манзилини ҳам айтиб ўтиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, Қатортол кўчаси, 60-йй. 2-қават.

— НУЖлар, яъни ўзга сайёраликлар билан тез-тез алоқада бўлиб турсасизми? Сизда улар билан учрашиш учун маҳсус қалит — КОД бор дейишади.

**Коинот** **Зомин** **Биаси**

да биоэнергия миқдори кўп. Агар беморларни даволасангиз, дардан бутунлай фориг бўласиз», дедим. У киши рози бўлди. Мана, бир йилдан кўп вақт ўтди. Шу вақт майданида Зайнаб опа юзлаб беморларни дардан халос этди.

— Жумҳуриятимизда хислатли болалар оз бўлса-да учраб туришади. Буни газетага келаётган хатлардан ҳам билса бўлади.

— Шахсан ўзим тошкентлик Умид, Донохон, андижонлик Носир, қашқадарёлик Зулфия исмли хислатли болаларни яхши биламан. Мен уларга ўзимнинг керакли маслаҳатларимни берганман. Бунинг устига улар қўмитамиз назорати остида. Яна бир гапни айтишим керак. Агар боланинг хислатли эканлиги маълум бўлса, биз

уни дарров кўтар-кўтар қилишимиз хотўри. Бу нарса боланинг ўқишига, қоловерса, кейинги ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин. Бу билан уларни бутунлай эътибордан четда қолдириш керак, демокчи эмасман. Фақат меъёри бузмаслик лозим. Хислатли болалар учун қўмитамиз эшиги доим очиқ. Унинг манзилини ҳам айтиб ўтиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, Қатортол кўчаси, 60-йй. 2-қават.

— НУЖлар, яъни ўзга сайёраликлар билан тез-тез алоқада бўлиб турсасизми? Сизда улар билан учрашиш учун маҳсус қалит — КОД бор дейишади.

ринчи мулоқот ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни кечаси мен ётган хонага (дераза очиқ эди) осмондан бир нур тушиб, бошимга туташгандай бўлди. Шу вақтнинг ўзида ўзга сайёраликлар билан гаплаша бошлидим. Тўғриси, бу нурни фақатгина мен кўрардим, ўзга сайёраликлар эса ёнимдами ёки кўкдами —

монда учар ликопча кўринди. Үндаги одамлар билан мулоқот қисқа бўлди. Айтишларича, улар Зурав сайёрасидан экан. Албатта, ўзга сайёраликлар билан телепатик, яъни одатдаги ҳолатдан бутунлай чиқкан ҳолатда сўзлашдим. Буни илмий тилда айтсам, мулоқот муайян космик (8—9 км) тўлқинлар орқали юз берди.

— Узбекистон халиқ табобати Қўмитасининг келажак режалар қандай? Қўмита болалар саломатлигини яхшилашда қандай ишларни амалга оширяпти?

— Узингизга маълум, ҳозир жумҳуриятимизда экологик ахвол учун яхши эмас. Айниқса Орол ва унинг атродифидаги табиий мухитнинг ёмонлашуви болалар соғлигига хавф солмоқда? Уларга зудлик билан ёрдам бериш зарур. Шу мақсадда Қўмита миз маълум ишларни амалга ошироқда. Қўмита собиқ Иттифоқ экстрасенслар уюшмаси маблағлари хисобига Қорақалпогистоннинг Амударё туманида халиқ табобати маркази учун бино қуриш лозим деб топганди. Энди биз бу савобли ишни охиригача етказиш ниятидамиз.

Суҳбатдош Туроб НИЭЗ.



## ЗИЛОЛАГА ХАТ ЁЗГАНДИМ...

«...Зилоланинг манзилгоҳини «Тонг юлдузи» газетасидан олган эдим. Дўстлик мактуби ёздим. Аммо у жавоб ёзмади. Санъатни севадиган, пазанда қиз Зилола билан дўстлашмоқчи эдим, холос. Шундай экан, нима учун манзилгоҳини газетага ёзади. Мен ундан хафаман».

Кадрли болалар, ҳадемай имтиҳонлар якунланиб, ҳаммангиз орзиқиб кутган ёзги таътил бошлилади. Сизларнинг эса бўш вақтларнинг кўпаяди. Таътил кунлари янги дўстлар ортириб, улар билан дўстлик мактублари ёзишиш ниятини билдирган тенгдошларнинг эса талайгина. Бугун айримларининг манзилгоҳларини маълум қилимиз. Ўйлаймизки, уларнинг орасида Зилола сингарни газетада номи чиқиши учунгина бизга мактуб йўллаган ўқувчилар бўлмайди. (Мабодо мактубини ололмаган бўлса, Зилола узримизни қабул этсин.)

Ги, «Центральная» кўчаси.  
Лида ҚАЛБАНОВА.



Синглум иккимиз манзилгоҳимизни «Тонг юлдузи» га юборишига қарор қилдик. Мақсадимиз дўстлашиш. Ёшин 10 да, синглум эса 9 ёшда. Инглиз тилини ўрганимиз, компьютерлар ёрдамида масалалар ечиш, тикиш, открытия ва календарчалар тўплаш — севимли машғулотимиз.

Хурмат билан ўмидда ва Ҳилола АҲМЕДОВА.  
700043. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-Хива тор кўчаси, 15-йй.



Мактабимиздаги БДКга аъзоман. Тошкент, Андикон,


Фарғона, Наманган каби кўпгина вилоятларда дугоналарим бор. Улар сафи янада кенгайишини истайман. Манзилгоҳим:

704119. Самарқанд вилояти, Пахтакор тумани, Охунбоев жамоа ҳўжалиги.  
Ойгул ҲАЗРАТОВА.




Ҳадемай имтиҳонлар тугайди. Биз синфимиз ўқувчилари билан ёзда ҳам тез-тез учрашиб туришга, жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидаги болалар билан дўстлашиб, мактублар ёзишиб туришга аҳд қилдик.

Ҳатларнинг кутамиз.  
731104. Қашқадарё вилояти, Ульянов тумани, Қори-Ниёзий номидаги 43-мактабининг 7-«А» синф ўқувчилари.



## Суюкли фарзандимиз ҚУДРАТЖОН!

Кутлуг II баҳоринг билан самимий кутлаймиз. Сенга соғ-саломатлик тилаймиз! Ўқишиларнинг ўлкан ютуқларга эришишингга ишонамиз.




Абдиевлар оиласи ва синифдом дўстларинг.



## Уғлим АЛИШЕРЖОН!

Сени кутлуг 12 ёшга тўлган кунинг билан самимий муборакбод этамиз. Чөхрдан табассум аримасин. Доимо соғ бўл деб.

Ҳасановлар оиласи.  
Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ворошилов кўчаси, 38-йй.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

### ЭЪЛОН


Уй ишларини бажарувчи ва болалар тарбияси билан шуғулланувчи аёл керак.  
Мурожаат учун телефон: 90-35-23.

## ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА

Иўқ эканда бор экан,  
Ҳамма баҳтиёр экан.  
Яқин ўтган замонда,  
Оқибатли томонда.  
Яшаркан эру хотин,  
Кутишаркан зуриёдин.  
Вақти келиб, дунёга,  
Икки ўғил бериди:  
Лек бирига табиат,  
Кўзини кам кўриди.  
Хасанинг жуфт кўллари,  
Мунчоқ-мунчоқ боқармеш.  
Хусанда иўқ бирни ҳам,  
Басир бўлиб ётармиш.  
Унга кувонч билан ғам,  
Келгани рост ёнмаён.  
Эр хотин ҳакимларга,  
Кўз тикдилар нигорон.

Кўзкосани авайлаб,  
Ҳусанга ямадилар.  
Эгизаклар ёнидан,  
Жилмай кун санадилар.  
Ниҳояти кўр Ҳусан,  
Оламини кўриб кетди.  
Ҳасанинг орқасидан,  
Чопқиллаб юриб кетди.  
Ийлар ўтди, эгизак,  
Иигит бўлди навқирон,  
Ҳусан — аинча арзанда,  
Ҳасан — ўта меҳрибон.  
Ота-она баҳтиёр,  
Топиши, жиндак ҳузур.  
Ҳар ҳалай кўрди дунё,  
Шунга ҳам минг бор  
шукур.

Малик ЭГАМ.



Улар демиш:  
— Чора иўқ.  
Тузалмайди, туғма кўр.  
Дунёни, етти рангин,  
Билмайди бутун умр.  
Фақат битта чора бор,  
Қонсинг десангиз рангга.  
Хасанинг бир кўзини,  
Ўтказурмиз Ҳусанга...  
Икков бўлиб ҳангю манг.  
Эри — гўнг,  
хотин — гаранг.  
Чолишиб тўрт томонга,  
Кўришган ҳар инсонга.  
Сўзлаб дил ярасини,  
Ҳам ҳаким чорасини.  
Ҳарна бўлур деб мадад,  
Кутибдилар маслаҳат.  
Шу асномда ўтди ийл,  
Утиб кетди тўрт фасл.  
Эмаклаб қолди Ҳасан,  
Ўлтиради кўр Ҳусан.  
Ота-она ҳоли танг,  
Эри — гўнг, хотин гаранг.  
Тополмайди бари бир,  
Излашиб ҳамон тадбир.  
Икковини қилиб сил,  
Ўтди яна тўрт фасл.  
Ҳанузгача ҳоли танг.  
Ҳўрсиниб деди:  
— Мъякул.  
Табиб, уч-тўрт шогирдлар,  
Қалтис қадам қўшишди.  
Бўкиртириб Ҳусанинг  
Чап кўзини ўйишди.

Вақти келиб, Ҳусанинг,  
Дилида дард кўзибди.  
Бир санам фироқида,  
Бошдан ақли тўзибди.  
Гўзал дермиш:  
— Эй, Ҳусан,  
Висолимга тўярсан.  
Қачон кўзинг жуфт бўлса,  
Берурман иссиқ бўса.  
Хотин бўлурман асл.  
Қўйгадирман муҳаббат.  
Иўқса қолма йўлингдан,  
Не ҳам келар қўлингдан...  
Ука оғир шартдан лол,  
Ишқига бўлиб ҳаммол.  
Акасига чопибди,  
Бир чеккага тортибди.  
Тушмай асло шаштидан.  
Сўзлабди қиз шаштидан...  
Ҳасан бокса, Ҳусанинг,  
Юзларини ювар ёш.  
Изтироби туфайли,  
Тамом бўлибди бардош.  
Икки йигит навқирон,  
Шошили табиб сари,  
Оқизмасдан айтишибди,  
Юракдаги сирларни:  
Дебди: — Ҳасан: —  
Табиим,  
Гапларини тинглангиз.  
Шу қолган кўзимни ҳам,  
Укамга ўтқасангиз.  
Жигаримга кўз тугул,  
Берурман ҳатто жонни,  
Унинг кўнгли шод бўлсин,  
Кўриб бўлдим жаҳонни...  
Сўнгти бор укасига  
Тикилар шўрлик Ҳасан,  
Юзларига дув-дув ёш,  
Сел бўлиб кўйиларкан.  
Табиб, уч-тўрт шогирди.  
Бопладилар сўқинши.  
Муруватли Ҳусанинг,  
Ўнг кўзини ҳам ўйиши.  
Қорачиги авайлаб,  
Ҳусанга ямадилар.  
Иссиқ меҳр қошида,  
Яйраб, кун санадилар.

Кўз яраши Ҳусанга,  
Қараб тўймас кўзугу.  
Сўнгра кўр акасини  
Етаклаб кетди уйга.  
Оқибатнинг бу тахлит  
Бўлганидан хуноб, хит,  
Эрта кетди ота ҳам,  
Онани ҳам олди ғам.  
Ҳусан чопди ёр томон,  
Қиз рози бўлди шу он.  
Тўй бўлди, яхши бўлди.  
Яллачи бахши бўлди.  
Кузатдилар иккени,  
Келин билан кўёвни.  
Эсидан чиқиб дарди,  
Кўр Ҳасан қувонарди...  
Утар ойлар, ўтди ийл.  
Айланади тўрт фасл.  
Баҳтиёр эди Ҳусан,  
Илжайди кўр Ҳасан...  
Бир кун гўзал хотини  
Ҳусанга дер ботиниб:  
— Боқарканман аканта,  
Сезадирман таънаналар.  
Тўника бўлиб ётиши,  
Юрагимни тирмалар.  
Кўрмайни ҳам қўймайни,  
Куйиб бағрим ўймайни.  
Агар десанг сен мени,  
Иўқотгайсан акангни.  
Иўқса, қолма йўлингдан,  
Не ҳам келар қўлингдан...  
Ҳусан яна қарахт, лол,  
Ишқига бўлиб ҳаммол.  
Бориби ака томон,

Чора кутармиш ҳамон.  
Қарасаки, акасии,  
Тополмабди уйдан.  
Хатта битиб кетибди,  
Ҳаёлидан, ўйдан...  
— Укам, умринг борича,  
Шодон яша, дар эдим.  
Ўйларинг сизмадим.  
Боли олиб кетай ледим.  
Итпонуман таъбал.  
Яшайтусан баҳтиёр.  
Асло кутмассан таъна,  
Сиро чекмассан озор...  
Болин ҳам қилиб Ҳусан,  
Акасии ўйлабди.  
Тирноқларин ботириб,  
Кўзларин ўймабди...  
Ийллаш ўтиб ака номи,  
Эсидан ҳам кетибди.  
Эну хотин қуша қарип,  
Муродига етибди.  
...Эртагимни  
tingladingiz,  
Балким қизиқ эмасдир.  
Факаттинг мақсадимни,  
Англаб олсангиз басдир.  
Алам қилас жойи шуки,  
Ҳамон, қаранг, болалар.  
Меҳрдан, оқибатдан,  
Меҳрсиз фойдалана.  
Яхшиларнинг яхшилиги,  
Равнақ берар ёмонга.  
Етар бир кун яхши бонс,  
Мурод деган осмонга.  
Сориентириб онасини,  
Юрап ҳатто катталар.  
Олим, аммо қишлоғида,  
Номеҳрибон, атала.  
Ўсингиз, улгайнингиз,  
Чор атрофга бўйлангиз.  
Ўзингиз кўрмаетган,  
Ўзгани ҳам ўйлангиз.  
Ота-она, акаларнинг,  
Мехри асраркан сизни.  
Худбилик балосидан,  
Сақлангиз ўзингизни...

Ғани АБДУЛЛАЕВ

## БАРГ ВА ФУНЧА

Барг гармседан фунчани асрайман, деб чироидан айрилди. Фунча жилмайиб очиларкан ундан ор қиладиган бўлди.

— Хунуксан-ей, сен билан яшашга уялман, —  
деди қизғиши лабларини «учириб».  
— Сабабини билсанг эди... — шивирлади барг  
камтарона.  
Фунча танноз билишга майли иўқ.  
— Кеч билганингдан фойда иўқ, — бандидан  
узилди барг.  
Бир кун танноз қиндан чиқсан йўртмачофи билан шамолга дош беролмай чирпирак бўлди.  
— Фамхўр посбонининг қадрига етмай хор бўлди, — деди уни билган қўшини барглар.

Бош мұхаррір: Акром БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,  
А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,  
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул котиб].

## ҚАТРАЛАР

## ОДОБСИЗ

## ДАРДИНГНИ ДЕВОРГА ЁЗ!

Эсингиздами, ғайратли, ҳис-ҳаяжонли, «ижодкор» болалар учун рўзномамизнинг тўртингчи саҳифасидан жой ажратилган ва унда ҳар ким ўз дил сўзларини ихчам қилиб баён қилишлари мумкин эди. Ушбу хабардан кейин муҳарриритимизга кўплас мактублар келди. Улар биз кўйган шартни бажаришган:

**УЗБЕКИСТОН САНҲАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР БҮЛИМИ, ҲИСОБ РАҶАМИ  
000363106, КОД: 172682328, КОРР. СЧЕТ: 300166428  
га 5 сўм пул ўтказиб, дил сўзларини маълум қилишган.  
Аммо бугунга қадар қўлимига теккан бундай хабарлар узундан-узоқ ёзилган. Бундан кейин «Деворга дардинги ёз» бурчагига ўз дил сўзларини ёзиши истаганлар ўз хабарларини ихчамроқ қилишларини сўраймиз.**

«Энг яқин дугонам Наргиза билан аразашиб қолган эдим. Тугилган куни арафасида уни табриклаб, узримни қабул қилишини сўрайман.

НОДИРА.

«Тўладан келган гавдамдан уяламан. Ҳамма мени «Бақалоқ» дейди. Дўстларим, илтимос мени ҳақорат қилманглар  
ДИЛВАР».

## Қизалоримиз НАРГИЗАХОН!

Бу баҳор 9 ёшини қаршиладинг. Сенга чинор умридек умр тилаймиз. Барча орзулатингга етин дей,  
Отанг Баҳтиёр, онан Норой, укани Бобиржон, опанг Нафиса.

Қашқадарё вилояти,  
Қарши шаҳри, Ботир Зокир  
кўчаси, II-ий.  
Зиётовлар оиласи.

## Углимиз НОДИРЖОН

Сени тугилган кунинг билан табриклаймиз! Сенга узоқ умр, баҳт-саодат тилаймиз.  
Даданг, ойинг, Рустам, Бобур, Бахшада, Баҳодир, Равшан.

Бухоро вилояти, Когон  
тумани, Комарова кўчаси,  
41-ий.

Жалиловлар хонадони.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Баланд сўрига қўнган зағизон олазарак. Узун думини ликкилатиб, «ғақ-ғақ»лайди. Ҳовлида ўйнаб юрган Юсуфга қушнинг чиройи ёқиб қолди. Мендан чўчиб қочмасин, дей унга жимгина боқади.

Қуш оқ кўйлак устидан гўё янги қора нимча кийиб олган. Сайрагандага гоҳ нимчасининг икки бағрини — икки қанотини кўтариб-кўтариб қўяди.

— Қанақа қуш бу? Чиройли экан. Ушлаб берсангиз боқардим, — ёлворди Юсуф айвондаги кенойисига.

— Утган куни кирсовунни олиб қочувди шу олғир, бетамиз. Кир кирлигича қолди. Совун камёб бўлса. Чиройидан нима фойда? Одбли бўлса майли эди, ишқибоз бўлиб боқсанг.

Юсуф кенойисига бирон жавоб қилолмай қушни ҳайдашга тушди. У кимнинг ёнини олиши билмай қолганди

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-ий  
Чоп этиш вақти — 18.00.  
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсатилиши 64563.